


**Президент Шавкат Мирзиёев  
раислигида иқтисодиёт тармоқлари,  
аҳоли ва ижтимоий соҳа  
объектларида қайта тикланувчи  
энергия манбаларидан кенг  
фойдаланиш чора-тадбирлари  
юзасидан видеоселектор йиғилиши  
бўлиб ўтди..**




Президент раислигига **қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш** бўйича устувор вазифаларга бағишлисанган йиғилиш бўлиб ўтди. “Нима учун ушбу йиғилишни ўзим ўtkазаяпман? **“Инсон қадрини улуғлаш” иилида** ҳар бир фуқаромизнинг хонадонида **яхши яшашига шароит** яратишимиш зарур.

Бир нарсани аниқ тушуниш керак. **Бир йилда** Ўзбекистонда **10 миллиард долларлик электр ва газ** истеъмол қилинади.

Агар бунинг **10 фоизини** иқтисод қилишни ўргансак, бу **1 миллиард долларни бошқа эҳтиёжлар учун** сарфлашимиз мумкин.

Ҳоким ва вазирдан тортиб, маҳалла раисигача барча даражадаги раҳбарлар **бу масаланинг қанчалик муҳимлигини тушунаяптими, бу борада ўзининг масъулиятини ҳис қиласяптими,** деган саволлар мени жуда қийнайди.

**Қайси вазир ёки унинг ўринбосари ҳисоб-китоб қилиб, энергия сарфини қисқартириш бўйича ташаббус кўрсатди? Улар ўзи нима учун ойлик олаяпти?", деди давлат раҳбари йиғилиш аввалида.**



Йиғилишда сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида **аҳолининг электр таъминотидаги узилишлар анча қисқаргани** қайд этилди.


Лекин, куз-қиши мавсумида аҳолининг газга бўлган эҳтиёжи кескин ошиши сабабли **барча юклама электр тармоқларига** тушмоқда.

Ҳозирги кунда аҳолининг **камида 2-3 миллиард киловатт соат** электр энергиясига қўшимча талаби мавжуд. Келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж **яна 10 миллиард киловатт соатга** ошади.

Бундай вазиятда энг самарали йўл - **муқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтириш**.

Бу борада 2019 йилда алоҳида жамғарма ташкил қилиниб, аҳолига бюджетдан субсидия бериш тизими жорий этилди.

Лекин бирорта вилоят, туман ва шаҳар ҳокимида ёки вазирда ўз тизимидағи ташкилотларда энергия истеъмоли, уни тежаш, муқобил энергия ускуналарини ўрнатиш бўйича **ҳисоб-китоб йўқлиги**, улар жорий қилинган **субсидия ва компенсациядан** ўз тармоғи ёки ҳудудида **фойдаланиш бўйича жон куйдирмагани** танқид қилинди.




Президент ушбу масала **умуммиллий аҳамиятга эгалигини** қайд этиб, **муқобил энергия ускунасини ўрнатган аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш бўйича мутлақо янги тизим** жорий этилишини таъкидлади.

**Бунда, аҳоли ва тадбиркорларга:**

- ўрнатилган қуёш ва шамол электр ускуналари учун қувватига қараб **15 миллион сўмгача**, сув иситиш қурилмаси учун эса **2 миллион сўмгача компенсация** тўланади;
- ёки ускуна қийматини **З йил ичидаги фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш** имконияти яратилади.

Ушбу тизим **Энергетика вазирлигининг маҳсус жамғармаси** орқали жорий этилиши белгиланди.



Муқобил энергия ускуналарини ўрнатиш истагида бўлган аҳоли ва тадбиркорлар бу имкониятлардан фойдаланиши учун **бирон-бир идорага боришга мажбур бўлмайди**. Барча хужжатлар ускуна харид қилинадиган жойнинг ўзида ҳал бўлади.


Бунинг учун:

- жамғарма маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда ҳудудлардаги сотувчилар билан **ҳамкорлик шартномаларини тузади**;
- ишлаб чиқарувчиларнинг аҳоли ва тадбиркорларга ускуналарни **бўлиб-бўлиб тўлашга бериш харажатлари жамғарма томонидан қоплаб берилади**;

- жамғармaga **100 млрд сўм** ажратилади, ишлатишига қараб йил якунига қадар яна **100 млрд сўм** берилади;
- жамғарманинг **электрон портали ишга** туширилиб, барча жараёнлар **тўлиқ рақамлаштирилади.**

Мутасаддиларга тизимни **1 сентябрдан** амалиётга жорий қилиш топширилди.

Вилоят ҳокимлари олдига жорий йилда “дафтарлар”га кирган **камида 5 мингта оилани**, келгуси йилда **яна 10 мингтасини** сув иситиш қурилмаси билан таъминлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.




Йиғилишда тизимни “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилаётган **620** та **кўп қаватли уй-жойларда** жорий этиш масаласига тўхталиб ўтилди.

Масалан, **Китоб тумани** “Янгиобод” массивидаги жами 96 та хонадонга эга **4** та **кўп қаватли уйда қуёш панелларини ўрнатиш** ҳисобига йилига **100 минг киловатт соат электр энергияси иқтисод қилинмоқда.**

Бу тажрибани **Навоийда** барпо этиладиган 2 та “Янги Ўзбекистон” массивида жами **620** та хонадонли **26** та **кўп қаватли уйлар, 8 та боғча, мактаб ва поликлиникада** жорий қилиш режалаштирилган.

Уларда қуёш сув иситиш тизимлари ҳисобига **4 миллион киловатт соат** электр иқтисод қилиш мумкин. Бу - йилига **2 миллиард сўм** дегани.

Вилоят ҳокимларига **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурлари **доирасида** кўчаларни ёритиш учун **фақат муқобил энергия ускуналари ўрнатишни** назарда тутиш топширилди.



Ииғилишда **ижтимоий соҳа объектларида ҳам босқичма-босқич мұқобил энергия ускуналарини үрнатиш** муҳимлиги таъкидланды.


Мутасаддиларга келгуси йил **Инвестиция дастури** маблағларининг **каміда 15 фоизини шундай қурилмаларни үрнатишга йұналтириш** топширилди.

Бунда, йил якунига қадар **2 107 та** боғчада, **1 минг** мактабда, **1 071 та** оиласыв шифокор пункти, поликлиника ва шифохоналарда, **1 минг** маҳаллада ташкил этилаётган янги тиббиёт пунктларида, **200 та** санаторий ва бошқа дам олиш масканларида **қуёш электр панеллари ва сув иситиш қурилмалари** үрнатилади.

Шу билан бирга, **2023 йилдан:**

- савдо-күнгилочар комплекслар, маданият ва истироҳат боғлари, ресторонлар, меҳмонхоналар;
- супермаркетлар, дўйконлар, бозорлар, савдо омборлари;
- автомобилларга газ ва ёқилғи қуийиш станциялари;

аэропорт, темир йўл ва автобус вокзаллари; хусусий таълим ва тиббиёт ташкилотлари; тижорат банклари ва уларнинг филиаллари **камида 25 фоиз** иссиқ сув истеъмоли ва ташқи ёритишни **муқобил энергия ҳисобидан қоплаш талаби** киритилади.



**Менделеев номидаги кимё-технология университетида 100 киловатт қувватли қуёш электр ускунаси ўрнатилиб, йилига 200 минг киловатт соат**

**электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда, 36 та сув иситиш қурилмасини үрнатиш ҳисобига йилига 4,2 миллион киловатт соат ёки қарийб 2 миллиард сүмлик электр энергияси тежалмоқда.**


**Олий таълим вазирлигига ушбу тажрибани барча олийгоҳларда 2022 йилнинг ўзида жорий қилиш топширилди.**

Президент **вазирлик ва идора, ҳокимлик, маҳалла биноларини ҳам муқобил энергияга ўтказиш** вақти келганини таъкидлади. Вазирлик ва идораларда **электр ва иссиқлик энергияси харажатларини камидан 25 фоизга қисқартириш** бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

**Молия вазирлиги:**

- давлат идораларида энергия ресурслари истеъмоли бўйича **нормативларни** ишлаб чиқади;
- йил якуни билан **харажатларни камайтирган раҳбарларга нисбатан чора қўриш** бўйича таклиф киритади;

хорижий консультантларни жалб қилиб, барча иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий обьектларда **Энергия тежамкорлик миллий дастурини ишлаб чиқади.**




Йиғилишда шулар билан бирга:

- барча **вилоят, туман (шаҳар) ички ишлар бошқарма ва бўлимларида** ҳамда **жазони ижро этиш муассасаларида**;
- барча **туман солиқ инспекциялари ва вилоят солиқ бошқармаларида**;
- барча **вилоят, туман ва шаҳар прокуратуралари, Бош прокуратура Департаменти ва Мажбурий ижронинг бошқарма ва бўлимларида**;
- барча **вилоят, туман ва шаҳар адлия идоралари, давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ бўлимларида**;

- барча **вилоят, шаҳар ва туман молия, ғазна, пенсия идоралари, суғурта ташкилотларида;**
- **камида 1 мингта маҳалла идораси биноларида** муқобил энергия қурилмаларини ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Бугунги йиғилишда белгилаб берилган чора-тадбирлар ҳисобига жорий йилнинг ўзида **муқобил энергия манбалари қурилмаларининг қўшимча 1 триллион сўмлик бозори яратилади.**

Шу муносабат билан **ҳар бир вилоятда камида 1 тадан** шундай қурилмаларни ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.



Йиғилишда ҳудудларда **микро ва кичик ГЭСлар** қуриш учун майдонлар белгиланиб, жами **56 мегаваттли 200 та лойиҳа** ишлаб чиқилгани таъкидланди (йилига **180 минг киловатт** соат электр ишлаб чиқарилади). Бунда:

- 500 киловаттгача бўлган ГЭСларда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг **бошланғич харид нархи тадбиркорлар учун жозибадор тарифларда** белгиланади;
- **лоийча учун ер участкаси** аукцион ғолибига **узоқ муддатли ижарага берилади.**

Шу билан бирга, 1 мегаваттгача **қуёш ва шамол**, 5 мегаваттгача **микроГЭСларнинг ортиқча электр энергияси** камида **10 йил давомида давлат томонидан кафолатли харид қилинади.**

Йил якунига қадар **Андижон вилоятида** 15 та, **Наманганда** 10 та, **Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида** 6 тадан, **Самарқанд, Сирдарёда** 2 тадан, **Бухоро, Жиззах, Фарғонада** 1 тадан лойиҳани бошлишга кўрсатма берилди.

Умуман, мамлакатимиз **гидроэнергетика салоҳиятини ҳисоб-китоб қилиб, хусусий шериклик лойиҳаларини бошлиш топширилди.**

Йиғилиш якунида мутасаддилар белгилаб берилган вазифалар бўйича ахборот берди.